


# Qishloq НАУОТИ

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 131 (6.968). Sotuvda erkin narxda



- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 октябр кунин Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**
- **Амалий ташир билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров 21 октябр кунин Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ганиев билан учрашди.**
- **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашида хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада жонлантиришга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.**
- **Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.**
- **Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида давлат тилини тадқиқ этишининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **Хоразм вилояти ҳокимлигида давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросига бағишланган семинар-йилгилиш бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Аёл маънавияти» мавзусида кўриктанлов бўлиб ўтди.**
- **Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи «Гулистон-Гагарин» автомави йўлининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.**
- **Пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуида 1992-93 йилларда туртилган ўсимлар ўртасида стол теннис бўйича «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси кубоги учун II Республика болалар турнири аяқланди.**
- **Бухоро шаҳридаги «Ёшлар марказида республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг 5 миллион сўмлик грантига сазовор бўлган бизнис лойиҳаси бўйича компьютер графикаси мактаби очилди.**



Сариосиё тумани Гулистон қишлоғидаги «Гулистон-Дивр» МЧЖга қарашли «Гузар-2» маркази тадбиркор Жўракул Нарзуллаев ҳомиқлигида яқинда бунёд этилди. Бу ерда тикувчилик цехи, новвойна, сартороҳона ташкил қилинган. Бу эса шу ерлик аҳолини иш билан таъминлашда, хизмат кўрсатишни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.  
СУРАТДА: Тикувчилик цехи устаси Сайит Шарипова шогирдлари билан.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## Қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч!

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётимизнинг муҳим секторларидан бўлиши қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Чунки жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.**

Айниқса қишлоқ хўжалик соҳасида мулк шаклининг ўзгариши, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилганлиги соҳада ўтказилган ислохотлар самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ерга, мулкка эгалик қилиш, меҳнатта бўлган муносабат тубдан ўзгариб, моддий манфаатдорликнинг оширилганлиги қишлоқ хўжалигининг ривожланишига омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлардан ташкил топган мулкдорлар синфининг вужудга келиши энг катта ютук-

лардан бири сифатида баҳоланмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «мустақиллик қалдирғочлари» бўлиш фермерлар ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик соҳасидаги асосий кучга айландилар. Уларнинг соҳадаги улушлари йилдан-йилга ортиб, эришайтган ютуқлари салмоқли бўлиб бормоқда. Тўғри, ҳали фермерлар фаолиятида эришайтган муваффақиятлар билан бирга ҳали ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, «Қишлоқ ҳаёти»да Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги фермерларнинг фаолиятига бағишланган саҳифа бериб боришга қарор қилинди. Бугун эса хизмат қилувчи фермерлар фаолиятига бағишланган мақолаларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.



## Ўз мажбуриятини бажармаган фермер бўлолмайди

**Ҳамқишлоқлари Тўра Раҳмоновни мард, лафзи ҳалол фермер деб билишди. Чунки у ҳар доим айтган сўзининг устидан чиқди, бошлаган ишини охирига етказди. Фели билан атрофдагиларнинг эътиборини қозonganлиги ҳам рост. Бирор марта на дўстлари олдида, на катта йиғинларда ўйламай-нетмай сўз айтмаган. Айтган тақдирда ҳам унинг мазмун-моҳиятини минг чандон ўйлаб, сўнг дил тубидаги ўйлавларини сиртига чиқарган.**

Шу йилнинг феврал ойида Қашқадарё вилояти марказида бўлган йиғинда у сўзга чиқиб, дилидагини тўкиб солганини кўплар тўғри тусунган бўлса, айримлар бепарвогина тингланганди.

— Мард одамда лафз бўлади. Мана, мен ўтган йили шартнома шартларини бажарган бўлсам, бу йил ҳам бунинг уддасидан албатта чиқаман. Чунки шартнома — бу мажбурият. Шартнома бу лафз, сал кўппроқ бўлса ҳам айтиб қўяй, эркак кишининг эркакча сўзи. Яна бу ерда бир нарсани дангал айтиб қўяй: икки томон бир мақсад йўлида шартлашдим, уни бажариш ҳам қарз, ҳам фарз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Тўра айтган бу сўзлар замирида қанчалик масъулият, қанчалик жавобгарлик борлигини 2005 йилги натижалар рўй-рост кўрсатиб берди. Рақамларга эътибор беринг: Фермер Тўра Раҳмоновнинг тасарруфида жами 100 гектар экин майдони бор. Шунинг 45 гектарига галла экиди, қолганида эса гўза парвариллади. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилгани боис ҳосил кўтилганидан-да мўл бўлди. Галланинг ҳар гектаридан 82 центнердан сара дон етиштирилди. Пахтачиликда ҳосилдорлик 61 центнердан ошиб, жами 331 тонна юқори сифатли хомашё йиғиб-териб олинди. Шартномавий режа эса Қашқадарёда энг юқори кўрсаткич — 270 фоиз адо этилди. Фермернинг таҳминий ҳисоб-китобларига кўра, биргина пахтачиликнинг ўзидан 70 миллион сўмдан ортиқроқ фойда олинди.

### БУГУННИНГ ГАПИ

Хўш, бу муваффақиятнинг сирини нимада? Тўра Раҳмонов етакчилик қилаётган «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги сингари минглаб мулкдорларнинг бугунги кунда иқтисодиётимиздаги дадил одиллари замирида қандай пойдевор бор?

Энг аввало, фермерчилик ҳаракатининг кенг қўлч ёйишида республика раҳбариятининг беқийс эътибори, мутасадди ташкилот ва идораларнинг кўмақдош бўлганлиги, қолаверса, мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳиссийти кучайиб бораётгани, захматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, қишлоқда асосий куч бўлиши фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётганлиги, шунинг ҳисобидан етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бу фикрнинг яққол тасдиқидир».

Эришилган муваффақиятнинг яна бир сирини шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилишидир. Дарҳақиқат, лафз бу мардлик, ҳалоллик дегани. Лафзда турадиган, берган ваъдасининг устидан чиқадиган, бир сўзга кишилар эл ичиди обрў-эътибор топганлар. Бундайларни «Лафзи ҳалол, дангал одам-да», дейишди одатда.

Дарҳақиқат, пахтачиликда, галлачиликда боғдорчиликда ана шундай лафзи ҳалол одамлар юрт фаровонлиги, эл дастурхонининг тўкинчилиги Тўра Раҳмонов сингари муносиб ҳисса қўшадилар. Хусусан, бугунги кунда қишлоқнинг ҳақиқий мулкдорларига айланиб бораётган фермерлардан ҳам давронинг ўзи мардликни, лафзи ҳалолликни талаб қилапти.

Чиндан ҳам фермерчиликнинг юки оғир. Мўмай даромаднингга ўйлаб, ишга бош қўшаётганларнинг кўпчилиги ярим йўлда бели майишиб, улдабурсон, ишининг кўзини биладиган деҳқонларга йўл бўшатаётгани ҳам айна ҳақиқат. Чиндан-да, ернинг тилини биладиган, меҳнатдан қочмайдиган фермерларнинг ошғири олчи бугун. Бу йил мамлакатимизда галладан ҳам, пахтадан ҳам ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатимиз дон ва «оқ олтин» хирмонлари ҳар йилгидан баракали бўлди. Бунда ҳам тарози палласи фермерлар томонига оғди. Йил бўйи даласида тер тўққан, захмат чеккан, белгиланган шартнома мажбуриятларини ошғири билан бажарган фермерларимизнинг омбори бугундай тўлди. Яхшигина фойда кўрди. Миллионлаб фой-

да олаётганлар қанча! Қандини урсин, ҳалол бўлсин!

Ҳалол меҳнатнинг, муҳими, «лафзи ҳалол»-ликнинг самараси бу! Йил бошида фалон тонна ҳосил топширишга сўз бериб, шартномага кўл қўйган, охири-оқибат ваъдасининг устидан чиққан деҳқоннинг эса эл олдида ҳам, елкадошлари олдида ҳам юзи ёруғ.

Булларнинг ҳаммаси истиқлол яратиб бераётган имкониятлар самараси. Бир пайтлардагидек, энди улар «тепа»дан бериладиган «отинг каласидек план»ни бажариш ўғити бўлмайди. Ҳамма ўзи учун, ризқ-насибаси, даромади учун ишлайди. Ҳар ким кучига, имкониятига яраша мажбурият олади, ҳар ким меҳнатига, салюҳатига яраша даромад қилади, фойда кўради. Бугун қишлоқ хўжалигида кўлга киритилётган ютуқларимизнинг асосий омилли ҳам ана шунда.

Мамлакатимиз пахтачилик тарихида илк бор бу йил октябр ойининг ўртасидаёқ пахта сотиш бўйича шартномавий режа бажарилди. Бу хирмоннинг юксалишида айниқса фермерларнинг улуши ниҳоятда салмоқли бўлди.

— Едимизда, — дейди Чиноз туманидаги «Муқим» фермер хўжалиги раҳбари Муҳим Эрҳўжаев, — авваллари деҳқон ўғити олуш учун орага воситачи қўйиб, ойнаб сарсон бўларди. Шунда ҳам белгиланган ўғитни «шапкаси» олиш қаёқда эди дейсиз. Номингагина олинарди. Экинга ўз вақтида озука берилмас, қўзланган ҳосилни олиб бўладими?

— Ўғит, ёнлиги-мойлаш материаллари, ҳатто уруқлик ҳам ўз вақтида олишга қўйналмади. Уруқлик ҳам, ўғит ҳам пайкал бошига етказиб берилди. Сувада муаммо бўлмади. Хуллас, хизмат кўрсатувчи муассасалар шохобчалари ёнимизда. Улар фақат оғиримизни енгил қилди. Гап берган сўзимизнинг устидан чиқиб, лафзиимиз ҳалоллигида қолди. Шунча имконият яратилгандан кейин ишламай бўладими? Ана шунинг учун бу гамжўрликларга жавобан фидойиларча иш-ламаслик, мардларга хос феъллат эмас.

Лекин унутмайликки, беш кўл баробар эмас. Айримлар ваъдани беришга бериб, озақидан доим «беш» олиб, амалий ишга келганда ер чизиб қолдилар. Елгон ваъдалари уларни фош қилди. Улар ўзларининг лафзис эканликларини кўрсатдилар. Яъни, ер билан «тиллаша» олмайдилар. Ўзларини ҳам, ерни ҳам алдайдилар. Шунинг учун ҳам баъзида «фалончининг ерини олиб қўйибди» қабилидаги гаплар қўлоққа чалини қолади. Олиб қўйилмайди, деҳқончиликни эпполмагандан сўнг ер муносиб кишиларга, меҳнаткаш қўлларга берилади. Ер умрини зое кетказишдан не наф? Унинг ҳам увели бор-ку, қолаверса, унинг жавоби ҳам бор-ку, ахир. Қолаверса, экин экиш учун маблағ берилади, яна ёнлиги-мойлаш материаллари, қанча миқдорда ўғит сарфланади. Энди ўйлаб кўринг, шунча сарф-ҳаражат қилгандан сўнг ҳам даромад олинмас, қим айбдор? Унинг ўрни ниманинг авазига қопланади?

Афсуски, бундай лафзининг устидан чиқолмаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Муқим» фермер хўжалиги билан «Ўтарбой Абдуқодир» фермер хўжалигининг ораси унча узок эмас. Иккиси ҳам ёнма-ён туманда жойлашган. Бир хил шароит, бир хил имконият, таъбир жоиз бўлса, бир ариқдан сув ичган хўжаликларнинг бири шартномавий режани қарийб икки баробар ортиқ билан адо этган. Иккинчиси эса баъзур мажбуриятнинг 50 фоизи даражасида қолиб кетган. Энг ачинарлиси, «Ўтарбой Абдуқодир» фермер хўжалиги гектаридан атиги 10 центнердан пахта ҳосили етиштирган, холос. Сабаби, бири ўз лафзида мақкам туриб, шунга яраша астойдил меҳнат қилди, иккинчиси эса бунинг акси — ишни ўзибуларчиликка ташлаб қўйди, лафзида турмади.

Шаҳрихон туманидаги «Ҳамдамбой», Қўрғонтепа туманидаги «Холбой ота», Булоқбоши туманидаги «Ҳабиббахон» фермер хўжаликларида ҳам аҳоли юқоридикидан дуруст эмас. Шартномавий режани зўғра ярни бажарилганлигини изоҳлашга тил ҳам охиж. Бундан ҳарфаланган бир бўлаймики қанча?

Афсуски, бундай лафзининг устидан чиқолмаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Муқим» фермер хўжалиги билан «Ўтарбой Абдуқодир» фермер хўжалигининг ораси унча узок эмас. Иккиси ҳам ёнма-ён туманда жойлашган. Бир хил шароит, бир хил имконият, таъбир жоиз бўлса, бир ариқдан сув ичган хўжаликларнинг бири шартномавий режани қарийб икки баробар ортиқ билан адо этган. Иккинчиси эса баъзур мажбуриятнинг 50 фоизи даражасида қолиб кетган. Энг ачинарлиси, «Ўтарбой Абдуқодир» фермер хўжалиги гектаридан атиги 10 центнердан пахта ҳосили етиштирган, холос. Сабаби, бири ўз лафзида мақкам туриб, шунга яраша астойдил меҳнат қилди, иккинчиси эса бунинг акси — ишни ўзибуларчиликка ташлаб қўйди, лафзида турмади.

С.РАҲМОНОВ, Ж.РУСТАМОВ.

## Фахрланса арзийди

—Ҳадемай аскарлик либосини кийишимдан, чегарачи бўлишимдан жуда хурсандман, — дейди қақирилувчи Фаррух Саримсоқов. —Менга билдирилаётган ишонччи оқлашга бор билимин ва кучимни сарфлайман.

Юқоридаги фикрни айна пайтда қизғин давом этаётган кузатувларда — ёшларни ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тадбирларнинг ҳар бир қатнашчиси, юрт посбони билдириши аниқ.

Яқинда Фаррух ва унинг сафдошлари — Тошкент вилоятдан муддатли ҳарбий хизматга, МХХ чегара қўшинларига қақирилган фуқароларнинг кузатуви бўлиб ўтди.

Йигитлар саф тортган ҳолда вокзал томон бораркан, ён-атрофдан «эр йигит номингга доғ туширма», «командирларинг айт-чиқма», «ерга», «илоб» эруғ юз билан қайтгин» сингари тилақлар, турли панду насихатлар қўлоққа чалинарди. Ишончим комилки, ушунда айтилган сўзларнинг ҳар бири барча йигитларнинг қўлоқларида доим жананглаб туради. Уларнинг юракларига, дилларига муҳрланган бу сўзлар жанговар хизмат қийинчиликлари сабртоқат ва матонат билан енгиб ўтишда, масъулиятли ва шарафли бурчини юртининг асл ўғлонлари каби ўташда руҳий бир далда бўлиши шубҳасиз.

—Акамни армияга кузатгани оила аъзоларим билан келдим, — дейди мактаб ўқувчиси Анвар Ёқубов. — Бу йигитларни кўриб, тўғриси айтсам, ҳажжонлиб кетяпман. Худди ўзим улар билан бирга кетадигандек. Уйлайманки, менга ҳам бундай онларни бошдан кечириш бахти насиб этади.

(Давоми 2-бетда)

## СОЛИҚ

**Солиқчи Абдуллажон Каримов фуқаролар йиғини идорасидаги кириб келганда бугун ҳам уни 3-4 киши кутиб турган экан. Бу фуқаролар ўзларига ҳисобланган маҳаллий солиқларни олиб келишганди.**

Афсуски, бундай интизомли солиқ тўловчилар кам.

## Асосий таянч

Айниқса, шу қишлоқда иш бошлаган дастлабки йиллари у жуда қийналди. Одамлар орасида ишонч қозониш учун қишлоқнинг иссиқ-совуқ маракаларидан қолмади. Қарерда уч-туртта одам тўпланса, албатта суҳбатга қўшилди, солиқ сиёсати ҳақида тусунча берди. Вақт ўтгани сари уларнинг қалбига йўл топа олди. Мана, натижа ёмон эмас. Ўзига бириктирилган ҳудудда 2005 йил учун ҳисобланган ер, мол-мулк

## “Саноатқурилишбанк” — ишончли ҳамкор

**Аму ҳамда Орол соҳилларидаги ҳамюртларимизнинг ҳузурларида бўлганимизда мамлакат шимолда мўл ҳосил етиштириб, айна дамларда уни қировли кунларга қолдирмасдан охиригача йиғиб олишга бўлган иштиёқни яққол ҳис қилдик.**

Аслини айтганда, қорақалпоқ деҳқони бу йил росма-на меҳнат қилди. Унинг самараси ўлароқ мамлакатда биринчи бўлиб йиғирма беш иш кунинда пахта тайёрлаш шартномавий режасини ўринлатди.

Кейинги йилларда минтақадаги қишлоқ ва овулларнинг осовишталлигини сақлаш ва обод қилишга алоҳида эътибор берилаётган. Натижада юрт кундан-кунга яшариб, гўзаллашиб бор-бундан беш-олти йил олдин келган ҳисса кийинги йилларда асрларга татийдиган бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, у гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Мустабид тузум шароитида буюк Бердақнинг бюсти Станиславский номидаги театр биноси олдида турарди. Энди театрға Бердақ номи берилиб, бино замонавий услубда таъмирланди. Нукус аэропорти ҳам чирой оқди. Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг бетакрор биноси қурилди. Қолаверса, Нукус Буюк Ипақ йўлининг шундоқ ёнида, Аму қирғоғида жойлашган. Асрлар давомида бу йўлдан қарвонлар Шарқдан Фарбга, Фарбдан Шарққа катнаган. Хуллас, Қорақалпоғистон Республикаси истиқлол йилларида ўз қаддини тутиб, аввалги шўхратини тиклай бошлади.

(Давоми 2-бетда)

## ЭҲТИРОМ

**Халқимиз — кулгисовар. Бунинг ҳаёт тарзи-мизга назар ташлаб ҳам ҳис қиласиз — ҳар қишлоқнинг камиде ўз Афандиси бор бўлиб чиқади.**

Ўзбек сахнасида мини-атюра, қизқичлик санъати мактабининг яратилиши бежиз эмас. Бу ҳақда сўз кетганда устоз санъаткорлар

## Ярим аср кулдириб

қатори Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов номи катта эҳтиром билан тилга оламиз.

Эргаш ака ярим асрдан эфирда акс этиши билан ҳамма телевизор қаршишга шошилишини кўп кузатардик.


(Давоми 4-бетда)

**ХАЛҚ БАНКИ**  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

# Марра эгалланди

**Тошкент вилояти пахтакорлари 275,4 минг тонна пахта сотиб, шартнома топширигини бажаришди. Бу ютукка республика ҳукуматининг соҳага қаратаётган доимий эътибори ва курсатётган амалий ёрдами, ширкат ва фермер хўжалиқлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларни техника, ўғит, йилги ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш чоралари кўрилгани асосий омил бўлиб хизмат қилди.**

Эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, чинозликлар ҳар йилгидек, режадан вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Фермерлар бу йил қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқдилар. Улар 124,4 минг тонна пахта етиштириш юзасидан тузган шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажаришди. "С-65-24", "Ан-Боев", "Наманган-77" каби навлар тупрок ва иклим шaroитларига мос тарзда жойлаштирилди. Қишлоқ хўжалигини маблаг билан таъминлашда банк кредити йўлига ўтилгани пахтачилик тармоғида меҳнат қилаётганларни ойлик маош



# Орзиқиб кутилган кун

**Фарғонада катта шодиёна: марду майдон пахтакорлар 23 октябр кунини йиллик шартнома топширигини адо этдилар. 323 минг тонна бебаҳо дурдонга топширишди.**

Бу муваффақиятга Езёнов, Олтиарик, Учқўприк, Кува, Охунбобоев, Фуқрат, Бувайда, Тошлоқ туманлари заршунослари ўзларининг муносиб улушларини қўшишди. Айниқса, Езёнов тумани ибрати эътиборга молик тўлиғича фермерликка айлантирилган марказ



**(Боши 1-бетда)** Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси, акциядорлик-тижорат банкларининг филиаллари жамоалари хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, миқозлар сонини йил сайин кичик бизнес субъектлари, айниқса, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳисобига кўпайтириб бораётганлиги эътиборга молик.

Кейинги йилларда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватлаш қабул қилинди. - дейди Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи Абдулқосим Абилов. - Бу борада тижорат банклари олдига муҳим вазифалар қўйилган бўлиб, миқозларга иқтисодий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан ташқари тизимда соҳа ривожини таъ-

минлаш мақсадида ҳукумат қарорлари ва республика Марказий банкнинг барча курсатмалари ижроси устувор вазифага айланган. Бошқарма раҳбарининг тасвираси билан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалига қараб йил олди. Мазкур молия муассасида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қўриқари мувофиқ бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда экан.

Минтақадаги йирик молиявий муассасалардан бири - "Саноатқурилишбанк"нинг республика иқтисодиётида алоҳида ўрни бор. Узоқ йиллик тарихга эга булган молия муассасаси хозирги кунда кўпмингсонли миқозларга эга бўлди. Банк жамоаси айни кунларда иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшиш билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, кичик бизнес соҳасига ҳам намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мухими, у ўз фаолияти ва хизмат турларини кенгайтириш натижасида миқозлар кўнглига йил топиб улгурди. Минтақавий филиал фаолияти-



билан биргаликда банк билан тadbиркорларнинг ҳар бири ширкати алоқаларини мустақамлашга ҳам эришди. Шунинг билан уларга зарур ахборот билан таъминлаш орқали амалга оширилди. Танатор Топтеповнинг эътирофи билан, етти ва тўртта айри-айри бошлаш шохобчаларини қабул қилувчи иккита кассалари фаолият кўрсатиляпти. Айни паллада бу орда 14446 нафар миқозларга намунали банк хизмати кўрсатилмоқда. Миқозлар орасида йирик саноат, қурилиш ташкилотларидан тортиб, фермер хўжалиқларини ҳам учратиб мумкин. Бундан ташқари савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш қорхоналари ҳам банкнинг ҳамкорлари саналди. Таъкидлаш керак, юзга келаётган ҳар бир муаммо шу жойингиз ўзида зудлик билан ҳал этилиши банк раҳбариятининг доимий назорати остида бўлади. Шу боисдан кўпчилик миқозлар ўз ҳисоб рақамларини айнан шу банкда очишга ҳаракат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қўриқари ижросини таъминлаш борасида илҳом олинди бормоқдамиз, - дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошлиғи Танатор Топтепов. - Филиалимиз жамоаси кичик бизнес қорхоналарини кредитлашга ҳамда тadbиркорлик ташаббусини ривожлантиришга йўналтирилган тadbирларнинг фаол амалга ошириб келяпти. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида кичик бизнес субъектларига 599,7 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилди. Шунинг 284,5 миллион сўми микрокредитлар ҳиссасига тўри келди. Натижада берилган кредитлар эвазига 208 та янги ишчи ўринлари яратилди. Кредит беришда асосий ўзгариш маҳаллий хом ашё базасида маҳсулот ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилган. Шу

билан таъминлаш ҳамда моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтирди. Ҳар ойда муҳим маош олиб турган оилавий пудратчилар, фермер хўжалиқларида ишлаётганлар кўтаринки руҳда меҳнат қилиб, ҳар бир агро-техник тadbирни ўз вақтида, сифатли амалга оширдилар. Ғўза баргини сунъий тўқитиш тadbiri, маълумки, ҳосилнинг тезроқ пишиб етилишига ёрдам беради. Шунинг билан, бу йил дефляция ҳамма ерда анки тартиб-қоида асосида ўтказилди. Пахта етиштириш учун кетадиган барча сарф-харажатлар вақтида маблаг билан таъминланди. Шу кунгача ширкат хўжалиқларига 16,3 миллиард сўм, фермерларга 9,9 миллиард сўм, яъни бу йилги пахта хом ашёсини етиштириш учун қўйилган бўйича жами 26,2 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Йилнинг тўртинчи четида ушшоқликни таъминлаш мақсадида терилган пахтага ҳар йилгидек беш кунда эмас, ҳар кун, иложи бўлса, хирмон бошида нақд пул тўлаб бориш жорий этилди. Бу эса, аввало, теримга ҳар қанчаликдан ҳам кўп киши чиқишини, иккинчидан, кунлик терим суръати анча юқори бўлишини таъминлади. Қўлда терилган пахтага тўлаш учун шу кунгача 11,3 миллиард сўм нақд пул етказиб берилди. Вилоят пахтакорлари келгуси йил учун пухта замин яратишини кўзлашмоқда.

А.САМАДОВ

А.САМАДОВ

## ХУШХАБАР

**(Боши 1-бетда)** Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан йил бошида ҳар бир қишлоқ, маҳаллаларда солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказилди. Шаҳар, туманларда семинар-йиғилишлар уюштирилди. Асосий эътибор интизомли солиқ тўловчилар қатламини юзга келтириш,

Уларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Топлаётган даромадининг маълум қисмини белгиланган муддатларда банкка бориб, ўзлари топширадилар. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мавжуд салбий ҳолатларга барҳам бериш борасида ҳам мунтазам равиш-

барҳам берилди. Бу курсаткиларнинг барчасида участка солиқ инспекторларининг муносиб меҳнати асосида бўлиб, Зеро, худуд инспектори бугун солиқ тизимининг асосий таянчига айланиб бормоқда. Шу боис уларнинг фаолиятини янада кучайтириш, моддий-техника базасини бойитиш

да назорат тadbирлари ўтказилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида 2930 та текширишлар ўтказилган бўлиб, қўллаб-қамчиликлар аниқланди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз, яъни яширин равишда ташкил этилган 67 та ноқонуний цехлар фoш қилинди. Ҳуқуқбузарлардан жами 2 миллион 490 минг сўмликдан зиёд далилий ашёлар олинди. Энг асосийси, 25 ҳолатда истеъмолга чиқиб кетиши мумкин бўлган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига

зарур. Ҳозирда ҳар бир участка инспекторига ўз худудида алоҳида хоналар ташкил этилиб, замонавий компьютер ва алоқа воситалари билан таъминланган. Бугунги кунда Вилоят солиқ инспекторлари фаолиятига булган эътибордан келиб чиққан ҳолда уларга берилган эътибор кучайиб бораверади.

**Орифжон МИРЗАБОВ, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи.**

бушқаларни эса уларга эргаштириш механизми ишлаб чиқишга қаратилди. "Шу муқаддас тупроқда яшаб, даромад топиб, фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланяпсанми, марҳамат фуқаролик мажбуриятингизни ҳам бажариб қўй". Ана шу оддий ҳақиқатни ҳар бир солиқ тўловчи онгига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Айни пайтда вилоятда яқна тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи тadbиркор сифатида 14 мингдан ортиқ фуқаро рўйхатга олинган.

ни келган эди. Бир оздан сўнг эса унинг ўйчан юзида қандайдир илиқлик, қувонч акс эта бошлади. Балки ўша дамларда саралар ичра сара бўла олган ўғлонга, ҳар доим халқ ардоғига, ҳурматига сазовор бўлувчи юрт посбонига, юрагидаги дил сўзларини - севгисини изҳор қилган алп йилгитга кўнгли қўйганидан қайта ва қайта севингандир, фахрлангандир. Зеро, муқаддас Ватан, азиз она диёр ҳимоясидек ўта масъуляти вазифани елкасига олаётган, олган йилгитлар билан ҳар қанча фахрланасан кам.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, катта лейтенант.**

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, катта лейтенант.

# Асосий таянч

бушқаларни эса уларга эргаштириш механизми ишлаб чиқишга қаратилди. "Шу муқаддас тупроқда яшаб, даромад топиб, фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланяпсанми, марҳамат фуқаролик мажбуриятингизни ҳам бажариб қўй". Ана шу оддий ҳақиқатни ҳар бир солиқ тўловчи онгига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Айни пайтда вилоятда яқна тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи тadbиркор сифатида 14 мингдан ортиқ фуқаро рўйхатга олинган.

бушқаларни эса уларга эргаштириш механизми ишлаб чиқишга қаратилди. "Шу муқаддас тупроқда яшаб, даромад топиб, фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланяпсанми, марҳамат фуқаролик мажбуриятингизни ҳам бажариб қўй". Ана шу оддий ҳақиқатни ҳар бир солиқ тўловчи онгига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Айни пайтда вилоятда яқна тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи тadbиркор сифатида 14 мингдан ортиқ фуқаро рўйхатга олинган.

# Фахрланса арзийди



**(Боши 1-бетда)** Анварнинг Куроли Кучларимиз сафларида бўлишни бахт, дея аташи жуда қувонarli, албатта. Ҳарбий хизматга бўлган халқимизнинг қарши тубдан ўзгаргани, унинг нуфузи сезиларли даражада ортаётганининг ёрқин далили бу.

Кисқа вақт ичида Ватан ҳимоячилари вагонларга жойлаштиришди. Поезд аста жойдан қўзғалди-ю, сигнал берганча манзил томон йўл олди. Қузатувга келган ота-оналар, ёр-дўстлар, қариндошлар тарқалишайтган бир пайтда поезд кетган томондан ҳамон кўз узмай тикилиб турган қиз эътиборини тортди. Назаримда, у ўз севгилисидан билан хайрлашганга

ни келган эди. Бир оздан сўнг эса унинг ўйчан юзида қандайдир илиқлик, қувонч акс эта бошлади. Балки ўша дамларда саралар ичра сара бўла олган ўғлонга, ҳар доим халқ ардоғига, ҳурматига сазовор бўлувчи юрт посбонига, юрагидаги дил сўзларини - севгисини изҳор қилган алп йилгитга кўнгли қўйганидан қайта ва қайта севингандир, фахрлангандир. Зеро, муқаддас Ватан, азиз она диёр ҳимоясидек ўта масъуляти вазифани елкасига олаётган, олган йилгитлар билан ҳар қанча фахрланасан кам.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, катта лейтенант.**

мақсадида 19 та савдо, 1 та авиакасса, автокемпинг АЕКШ, 5 та докинонага терминаллар ўрнатиш бўйича шартномалар тузилган. Банкнинг Қўнғирот филиалида 2 та, Тахиятош бўлимида эса 1 та жамғарма кассаларига терминаллар ўрнатиб берилди. Шундай қилиб, 2005 йилнинг ўтган тўққиз ойи даврида пластик картчаларга 257,2 миллион сўм пул маблағлари келиб тушган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларда фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қўриқари мувофиқ бу йил Қорақалпоғистон Республикасида қўллаб-қамчиликнинг кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан ташқари тизимда соҳа ривожини таъ-

минлаш мақсадида ҳукумат қарорлари ва республика Марказий банкнинг барча курсатмалари ижроси устувор вазифага айланган. Бошқарма раҳбарининг тасвираси билан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалига қараб йил олди. Мазкур молия муассасида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қўриқари мувофиқ бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда экан.

Минтақадаги йирик молиявий муассасалардан бири - "Саноатқурилишбанк"нинг республика иқтисодиётида алоҳида ўрни бор. Узоқ йиллик тарихга эга булган молия муассасаси хозирги кунда кўпмингсонли миқозларга эга бўлди. Банк жамоаси айни кунларда иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшиш билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан, кичик бизнес соҳасига ҳам намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мухими, у ўз фаолияти ва хизмат турларини кенгайтириш натижасида миқозлар кўнглига йил топиб улгурди. Минтақавий филиал фаолияти-

Минтақавий филиал фаолияти-

# YETTI-TOLIMDAN BIR SHINGIL

## Польшада янги президент

Польшада бўлиб ўтган президентлик сайловларининг аксарият бюллетенлари ҳисоблаб чиқилди. Сайлов комиссияси маълумотларига қўра, асосий номзодлар Лех Качинский 54,47 фоиз, Доналд Туск эса 45,53 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлишган.



Варшава мэри ва "Ҳуқуқ ва адолат" партияси раҳнамоси Лех Качинский галабага эришгани маълум қилинмоқда. Польшанинг бўлажак янги президенти Качинский яқин беш йил ичида Польшани Еврозоонага қиритиш ҳамда Россия ва Германия билан алоқаларни мустақамлашга ҳаракат қилишини айтиб ўтди.

## Офат кетидан офат

АҚШнинг Флорида штатига яқинлашиб келаётган "Вилма" тўфони Мексикадан ўз қурбонларини олиб кетди.



"Вилма"нинг йўналишига тўғри келган Мексиканинг Юкатан курорт шаҳарчасида 10 дан зиёд одам табиий офатдан ҳалок бўлишган. Минглаб турар-жой бинолари вайрон бўлган. Ҳозирда "Вилма" учинчи даражада хавф билан 184 км.соат тезликда Флорида томон йўналмоқда. Мутахассислар фикрига қўра, "Вилма" ўзи билан бирга АҚШга "Алфа" тўфонини олиб келиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда "Вилма" "Катрина" келтирган зиёндан 10 баробар кўпроқ талафот сабабчиси бўлади, дея хабар қилди CNN.

## Беркитилган авиаҳалокат


Нигерияда ҳалокатга учраган маҳаллий авиакомпанияга тегишли Boeing-737 йўловчи ташиш самолёти қолдиқлари топилди.



АТ Нигерия телекомпанияси хабар қилишича, авиаҳалокат туфайли 116 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлган. Бундан аввалроқ эса йўловчиларнинг ярмидан кўпроги тирик қолгани айтилган эди. Бироқ Кизил Хоч ташкилоти томонидан ўтказилган текширувлар натижасида бу маълумот инкор этилди. Ташкилот вакилининг сўзига қўра, бақиб маълумот тарқатишдан мақсад Нигерия ҳаво йўллари-нинг обрўйини сақлаб қолишдир. Чунки Нигерияда турли сабабларга қўра авиаҳалокатлар содир бўлиши кўпуб кузатилади.

## Яна бир zilzila


Покистон шимолий шарқда Рихтер шкаласи бўйича 6 балли ер zilzilasини кузатишди.



Хабарларга қўра, zilzila маркази Мингаор шаҳрида бўлган. Ҳозирча талафотлар хусусида хабарлар тарқатилмаган. Шу йилнинг 8 октябрыда юз берган zilzila оқибатида ҳалок бўлганлар сони 53 минг кишидан ошиб кетиши тахмин қилинмоқда. Жаҳон ҳамжамиятидан Покистонга инсонпарварлик ёрдами қўллаб келиб турибди. Шундай бўлса-да, zilzila оқибатларини бартараф қилиш ишлари ҳали кўп вақт давом этиши айтилмоқда.

## Ироқликлар фикри қандай?

Ироқликларнинг аксарият қисми жангариларнинг коалиция кучларига қарши кураш олиб боришини қўллаб-қувватлашади.



Яқинда Буюк Британия мудоффа кучлари буортма асосида Ироқда ўтказилган оммавий сўров ишлари бунинг исботлади. Суровномага қўра, 65 фоиз аҳоли террорчиларни қўллаб-қувватлашни маълум қилган. Уларнинг бир фоизи эса коалиция мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштираётганига ишонди. 67 фоиз ироқликлар айни дамдаги мавжуд вазиятда коалицияни айблайди. 82 фоиз Ироқ аҳоли мамлакатдан чет эл ҳарбийларининг олиб чиқиш кетилишини исташади.

## "Босс" қўлга олинди

Италия полицияси Сицилия мафия оламининг энг хавфли боссларидан бири Умберто Ди Фазиони қўлга олди.



42 ёшли Ди Фазио бир неча йилдан бун халқаро кидирувда бўлиб, у қатор қотилликлар, зуравонликлар ва фирибгарликда айбланади. Шунингдек, Ди Фазио машҳур жиноий тўда "Коза Ностра" бошлиғи Бернардо Провенцанонинг ўнг қўли ва вориси саналади. CNN хабарларига қўра, уни қўлга олиш вақтида мамлакатнинг деярли бутун хавфсизлик кучлари оёққа турган.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 25 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқо ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарининг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилашди:

1 Австралия доллари	860,45	1 Польша злотийси	352,71
1 Англия фунт стерлинги	2034,14	1 СДР	1664,95
1 Дания кронаси	184,30	1 Туркия лираси	846,46
1 БАА дирхами	313,67	1 Швейцария франки	890,49
1 АҚШ доллари	1152,03	1 ЕВРО	1374,49
1 Миср фунти	200,21	10 Жанубий Корея вони	10,86
1 Исландия кронаси	19,08	10 Япония иенаси	99,45
1 Канада доллари	971,85	1 Россия рубли	40,33
1 Хитой юани	142,71	1 Украина гривнаси	228,12
1 Малайзия рингити	305,24		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# ФЕРМЕР

## Фермер - бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси. Фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси.

Ислом КАРИМОВ

# Қишлоқ хўжалигида ҳат қилувчи куч!



## Давр имтиҳондан ўтказди

— Бу йил табиат ҳам деҳқонга қайишди. Лекин бош омил барибир деҳқон меҳнати, унинг манфаатдорлиги ортганлиги, таъминотчи ва тайёрловчи ташкилотларнинг деҳқон билан ҳамфикр, ҳамқадам ва елкадош бўлиб ишлаганлиги бўлди, десак янглишмаймиз.

Тўғриси, бошида фермер бўлишни истовчилар кўп бўлса-да, уларда мулкчиликнинг бу шаклида ишлаш тасаввурини, малака йўқ эди. Шунинг учун 2003 йилда вилоятда ўн мингга яқин фермер бўлган бўлса ҳозирги кунда пахтачиликда уларнинг сони 5668 тани ташкил этади. Вақт ҳамма нарсани ҳал қилар экан. Утган давр мобайнида фермерларнинг ҳам сараси сарага, пучаги пучакка ажралди. Ердан фойдаланишда нозушудлик қилган, белгиланган режаларни бажармаган фермер хўжалиқларидан ерлар мавжуд қонунлар асосида олиб қўйилиб, тadbirkorлар билан иш юритаётган, тажрибали, омилкор фермерларга тендер асосида бўлиб берилди.

Ҳозир ишонч билан айтишим мумкин, бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган фермерларнинг аксарияти қисми, ҳақиқий ер эгалари, чинакам фермерлардир. Улар энди ўз ҳуқуқларини ҳам, қандай ишлаш кераклигини ҳам жуда яхши биладилар.

Муваффақиятни таъминловчи яна бир омил ер ва сувдан, моддий ресурслар, техника воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мўл ҳосил гарови бўлган ирригация ва мелиорация масалалари, фермерларни минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилгандир.

Бу йил вилоятимиз пахтакорлари 106 минг 471 гектар майдонга пахта чигитини 14 иш кунинда сифатли қилиб экан эдилар. Ҳосилни парварши қилиш даврида барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли қилиб амалга оширилди. Бунинг учун фермерларга етар-

ли моддий-техник имкониятлар мавжуд эди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида вилоятда етиштирилган юз фоиз ҳосилни, яъни 261,7 минг тонна пахтачи фермерлар етиштирдилар. Ҳосилдорлик бўйича ўртача 24,5 центнерга етказилди.

Ҳаси фаолиятини мустақкам моддий-техник базасиз, техникаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу мақсадда жорий йилнинг ўзига фермер хўжалиқлари тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан "Қишлоқхўжалиқмаш-ҳолдинг" компанияси вилоят бўлими ва "Вилоят МТПлар бирлашмаси" томонидан

298 та, лизинг тўловлари орқали 228 та қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланди. Ишлаб чиқариш соҳасида эришилган омиллардан яна бири фермерларнинг моддий манфаатдорлиги кескин ошганлигидир. Вилоятда жорий йилда пахта хомашисини етиштириш учун 22105,6 миллион сўмлик имтёзли кредит ажратилиб, ушбу кредитлар фермерлар томонидан тўлиқ сарфланди. Ушбу сарфланган кредитнинг 6602,3 миллион сўми ёки 30 фоизи иш ҳақига сарфланди.

Бундан ташқари пахта тeрими учун 11 миллиард сўм иш ҳақи тўланди. Жами иш ҳақига сарфланган маблағлар 17,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Эришилган ютуқларда фермерларга яқин кўмақдош бўлган тайёрловчи ва таъминотчи ташкилотларнинг хизмати ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Улар фермерлар билан тузилган шартномада белгиланган минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларини вақтида ва етарли миқдорда фермерга етказиб бердилар. Авваллари бу кўрсаткичлар 60-70 фоизга етар эди, ҳоло.

Қилинган жуда катта савб-ҳаракатлар туфайли вилоят фермерлари республикамизнинг пахта хирмонида 261 минг 653 тонналик ўз улушларини қўшдилар. Давлатга пахта сотиш шартномавий режаси 111,8 фоизга бажарилди.

**Файзулла САЛОХИДИНОВ,**  
вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.



Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон Абдуллаев.

## Ўзига ярашган кийими бўлса...

Мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари ҳисобланмиш фермерлар синфи шаклланиб бўлди. Ҳозирда улар аграр соҳада етакчи кучга айландилар. Уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида эришяётган ютуқлари ҳам йилдан-йилга салмоқли бўлиб бораёттир.

Фермерларга ишлаб чиқариш соҳаси бўйича таъминотчи ташкилотлар зарур моддий-техник ресурсларни етказиб бераёттир. Бу ишлаш фақат фермернинг иш фаолияти билан боғлиқ. Лекин фермер хўжалигида ишловчилар ҳам, фермер ҳам инсон. Улар ҳам яхши яшашни, барча қулайликлардан баҳраманд бўлишни, иш жараёнида ва бошқа вақтларда ўз соғлигини сақлашни истайди.

Шунинг учун фермерларга маънавий, маданий хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйиш керак. Масалан, фермер йил-ўн икки ой далада ишлайди. Гоҳ ёгин-сочин, гоҳ жазирама иссиқда ишлашга тўғри келади. Ишлаш жараёнида эса иқлим шароитига, иш фаолиятига, руҳиятига мос иш кийими, яъни далада ишловчилар учун махсус коржмо, бош кийимлари жуда асослидир. Агар шундай буюмлар ишлаб чиқарилса, фермерларнинг кўнглидаги кентик ўрин тўлган бўларди. Ҳозирги кунда фермерлар моддий жиҳатдан ўзларига анча бақувват. Енгил саннат соҳасидаги фермерлар учун зарур бўладиган бош кийимлари ва коржомлар ишлаб чиқарсалар, махсулоти оморда қолиб кетмайди.

**Анорбой ЭШМАТОВ,**  
Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари.

## Биз ҳам кўмақдошмиз

Юсқак маррага эришиш учун аввало етарли шарт-шароит яратиш керак, фермерга кўмақдош бўлиш керак. Маълумки, қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан ерларни минерал ўғитлар билан озиклантириш, кимёвий воситалар билан ишлов беришга боғлиқ. Фермерларни минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлаш бизнинг хизмат вазифамизга юқлатилган. Тўғриси айтаётган керак, бизнинг тармоқда ҳам вазият кейинги йилларда кескин ўзгарди. Яъни деҳқонларга моддий ресурсларни етказиб бериш масъулияти ортди, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришга эътибор қўйилди. Айниқса, жорий йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш амалда тўлиқ меъёрига етказилди. Айниқса бу йил пахта дефолиациясига жиддий эътибор берилди. Дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун техника воситалари ва кимёвий воситалар билан фермерлар тўлиқ таъминланди. Вилоят бўйича 15 кунда дефолиация ўтказилиб, пахта бир вақтда очилганига эришилди. Натияжада деҳқонлар қисқа муддатларда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олдилар.

**Мурод ЭРГАШЕВ,**  
Жиззах вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» акциядорлик жамияти раиси ўринбосари.

## Яхши нав, сара уруғ танланса...

—Хар бир вилоятнинг ўз иқлим шароити, ернинг структурасидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ва мос нав бўлиши керак. Шу мақсадда биз вилоятимизга мос навлар танлаш бўйича улуқкоиз йўли йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, деҳқонларимиз кўпроқ «АН-Бобвут-2» навини экинга мойил бўлмоқдалар. Бу нав вилоятимиз шароитида калсалликларга чидамлиги, эрта-пишар ва серхосиллиги туфайли фермерларга манзур бўлмоқда. Жорий йилда ушбу нав 69569 гектар ерга экилиб, баракали ҳосил берди. Ҳозир фермерлар нави ўзлари танламоқдалар. Шунингдек, фермерлар синовида ўтган «Оқдар-6» нави ҳам анча майдонга экилган. «Меҳнат», «Хораз-127» ва «Бухоро-102» навлари экин синаб кўриляптир. Утган йили жорий йил ҳосили учун «Элтай» очик акциядорлик жамиятида арзон ва сифатли уруғлик чигит тайёрлаш ишлари олиб борилди. Янги ускуна ва дастгоҳлар ўрнатилди. Испаниядан келтирилган «Жубус» ускунаси 1-синфга мансуб сифатли ва арзон уруғлик чигит тайёрлаш имкониятини яратди. Жами 8350 тонна юқори авлодди уруғлик чигит тайёрланиб, қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва касалликларига қарши «Химия», «Бронхокал», «Винора», «П-4» каби кимёвий препаратларига билан дориланиб, қорғоқ қопларга қадоклаб, фермерларга ўз вақтида етказиб берилди. Деҳқонларнинг яхши уруғлик билан таъминланганлиги йил якунида ўз натижасини кўрсатди. Бу йил фермерларимиз яратган улкан пахта хирмонида бизнинг ҳам улушимиз борлигидан фархланамиз.

**Рустам ДОНАБОВЕВ,**  
вилоят гўза уруғчилиги бирлашмаси раиси ўринбосари.



Фермер Холмас Худойқулова гектарлар ҳосилдорлигини 50 центнерга етказди.

## Ҳосил учун ҳамма масъул

Ирригация тармоқларини тартибли тозалаш ишлари белгиланган режа бўйича 297 километр эди. Амалда эса бу кўрсаткич 375,7 километрга бажарилди. Коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишлари режадан ошириб бажарилди.

2005 йил ҳосили учун кузги-қишқи мавсумда 48688 гектар ернинг шўри ювилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Вилоятдаги мавжуд сув иншоотларини таъмирлаш учун 141 миллион сўм маблағ сарфланди, қўшимча 40 та янги насос келтирилди, ишга туширилди.

Жорий йилда вилоятдаги 105 та бирламчи сувдан фойдаланувчиларга 740 та сув ажратиш нуқталари орқали етказиб берилди.

Сувдан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун кучли назорат ўрнатилди. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланишда қондаларни бузиш ва сувни беҳуда исроф қилиш бўйича 1106 та ҳолат бўйича камчиликлар аниқланиб, қондалузарларга сувдан тегишли чоралар кўрилди.Эндиликда фермерлар сувдан фойдаланишда ҳам тежамкорликка, ундан унумли фойдаланишга кўникама ҳосил қилимоқдалар.

**Сайфулла ШЕРАЛИЕВ,**  
Кўли Сирдарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

## Муаммолар ечимини топмоқда

—Қишлоқда ҳамма ҳам фермер бўлавермайди. Кимдир уларга хизмат ҳам кўрсатиши керак. Шу мақсадда ўтган йили муқобил МТПни ташкил этдим. Ҳозирги кунда меннинг тасаруфимда 5 та шудгор қладиган, 12 та чолик, 4 та тележаси билан транспорт трактори бор.

Аваллига 10 та фермер билан шартнома тузиб техника хизмати кўрсатишни бошлаган эдим. Хизматимиз уларга манзур бўлди шекилли, бу йил 48 та фермер биз билан шартнома тузди. Михозларимиз сони ортиб бораётганлигининг маълум сабаблари бор. Масалан, туман МТПси бир гектар ерни шудгор қилиш учун фермердан 19 минг сўм ҳақ олади, биз «Алтай» русумли трактор билан бир гектар ерни сифатли шудгор қилиб беришимиз учун 12 минг сўм нарх белгиланмиш. Бу фермер учун анча иқтисодий тежам бўлади. Шунинг учун бизнинг хизматимиздан фойдаланувчилар сони ортиб бораёттир. Яна бир хизмат кўрсатиш

даги фермерлар учун афзаллик биз хизмат учун тўловни ишни якунлаганимиздан кейин амалга оширамиздир. Туман МТПларига эса аввалдан фермер хизмат ҳақининг 15 фоизини тўлаши шарт. Агар ўша вақти фермернинг пули бўлмаса ўтказилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар кечикиб кетади ва бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Таъмирлаш устaxonамизда токарлик, темирчилик ва бошқа дастгоҳлар мавжуд бўлганлиги учун фермерларнинг бузилган техника воситаларини ҳам шу устaxonада арзон нархда таъмирлаб берамиз. Жорий йилда фермерларга 230 миллион сўмлик сервис хизмати кўрсатдик. Ҳозирги кунда МТПда 30 га яқин одам иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача маоши 100-120 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Фермерларнинг ривожлантириш учун қўлаб муқобил хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилса, мақсадга муво-

фиқ бўларди. Шунда фермерлар етиштирилган маҳсулотнинг таннархи арзонлашган, рақобат қўлайган, қишлоқда янги иш ўринлари юзага келган бўларди.

Вилоятда фермерлар эришган ютуқларнинг энг асосий омилларидан бири қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатуви соҳаларнинг ишчи фермерларнинг манфаатидан келиб чиқиб ташкил этганлиги, зарур воситалар ва хизматлар фермерларга вақтида ва меъёрида етказиб берилгани бўлди.

Вилоятда 103 та ёнилғи-мойлаш махсулотлари, 65 та минерал ўғитлар сотиш шохбчалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари объектлари томонидан фермер хўжалиқларига тўғридан-тўғри таъминот хизматларининг кўрсатилиши натижасида ўз вақтида моддий ресурслар билан таъминланди.

**Кубеген УТЕУЛИЕВ,**  
Мирзачўл туманидаги «Абай» маъсулияти чекланган муқобил МТП раиси.

## Бу – менинг мулким!

Мен авваллари ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаганман. Лекин қилган меҳнатимга яраша ҳақ олмаганман. Кейинчалик ер олиб фермер бўлдим. Ушунда ўзим энди мулкдорман деб эрта қувонган эканман. Жуда-жуда қийин бўлган. Қандай иш юритишни яхши билмаймиш. Шудгор, чолик учун техника тополмай овораи сарсон бўлсак, минерал ўғит олиш учун ойлаб кимё оморларидан навбат кутганмиш. Ерни ўғитлаш муддатидан ўтиб кетган, унинг фойдаси бўлмас эди. Беҳуда вақт ва маблағ ҳавога совурилди.

Тўғриси айтаман, кейинги икки йилда фермерларнинг кўкрагига шамол теғди. Бошқалар ҳам биз билан ҳисоблашадиган бўлди. Минерал ўғит, ёнилғини даламизга етказиб беришмоқда. Биз банкка эмас, банк бизнинг олдимизга келди. Раҳбарларнинг эътибори ортди. Биздан фақат яхши ишлаш, ерга меҳр кўрсатиш қолди ҳоло. Албатта ўзини ҳақиқий деҳқон ҳисоблаган хар бир фермер буни ундасидан чиқа олади. Бу йил вилоятимиз фермерларнинг ютуқлари ҳам шу кўрсатилган эътиборда деб биламан. Бизнинг фермер хўжалигимиз бу йил режадаги 460 тонна ўрнига 500 тоннадан ортиқ пахта топширди. Биргина пахтадан ўзидан олаётган ялпи даромаднинг 140 миллион сўмдан ортиб кетди.

**Юлдашон ХОЛМАТОВА,**  
Дўстлик туманидаги «Юлдаш» фермер хўжалиги раҳбари.



Пахтакор туманидаги фермер Собир Болтаев пахтачиликда эришган ютуқлар учун «Дамас» автомобилли билан тақдирланди.

## Сен ерни боқсанг...

Дефолиацияда гап кўп экан. Шу вақтгача бу тадбирни ўтказишга эътибор сўз эди. Юртбошимизнинг айнан дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида чиқарган Фармойиши бежиз эмас экан. Мана бу йил дефолиациянинг фойдасини, самарасини кўриб тан бердик. 44 гектар ерга пахта эккан эдим. Дефолиацияни биринчи марта жуда қисқа муддатда ва сифатли қилиб ўтказганлигим, ёз бўйи қилган меҳнатимнинг самарасини юз чандон ошириб юборди. Пахталар бир вақтда қийғос очилгани учун шартнома режасини 5 иш кунини уддалади. Пахтанинг ўзидан 50 миллион сўм ялпи даромад қилдим.

Агар фермерларга эътибор шу зайлда кетса, хизмат кўрсатуви ташкилотлар янада баҳамжихат ишласа фермерлар янада улкан ютуқларни қўлга киритишлари мумкин.

**Икром СОЛИЕВ,**  
Мирзачўл туманидаги «Муллабулок» фермер хўжалиги соҳибни.  
Бизнинг туманимизда ҳам фермерлар катта кучга айланди. Жорий йилда пахтачилик билан шуғулланадиган 741 та фермер 14000

гектар ерга чигит қадаган эди. Барча фермерлар давлатга пахта сотиш режасини уддаладилар. Улар томонидан уюлган пахта хирмони 34000 тонна ўрнига 41352 тоннага етди. Режа 121 фоизга бажарилиб, ҳосилдорлик 29,5 центнерга етди. 2003 йилга нисбатан ҳосилдорлик 10 центнерга ошди.

Фермерлар биринчи эътиборни кўчат тўлиқ бўлишига қаратдилар. Хар бир гектар ер майдонига 430-450 дона кўчат бўлишни таъминладилар. Ёнилғи ва минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва меъёрида етказиб берилганлиги барча агротехник тадбирларни бекаму кўст ўтказишга имкон яратди. Қолаверса, туманимизда ер ҳақиқий фермерлар қўлига ўтгани ҳам жорий йилнинг деҳқончилиги мувоффақиятли якунланишида асослидир. Чунки ўтган йил якуни бўйича режани бажармаган 121 фермердан ерлар қайтариб олиниб, бошқа фермерларга берилган эди.

**Шариф СОБИРОВ,**  
Пахтакор тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи.

—Шу замин, шу ер тиллага тенг, дейди «Хумор она» фермер хўжалиги соҳибни Холдор Абдуқодиров.



Фермер ерни боқар, ер элни боқар. Эндиликда қишлоқ хўжалиги соҳасида етакчи кучга айланган фермерларнинг ишлаб чиқаришда нималарга қодир эканлигини жиҳзаҳлик фермерлар ўз меҳнат муваффақиятлари билан амалда исботладилар. Давр аграр соҳанинг ривожланиши, олиб борилаётган ислотхотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан фермерлар фаолиятига, уларга хизмат кўрсатуви тизимлар ишига, уларга қаратилган эътиборга боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлардан ташкил топган мулкдорлар синфининг вужудга келиши аграр соҳада ўтказилаётган ислотхотларнинг энг катта самарасидир.

(Саҳифани уюштиришда «Қишлоқ ҳаёти» муҳбирлари А.КАРИМОВ ва Б.АКРАМОВ иштирок этдилар).

# Ярим аср кулдириб

**(Боши 2-бетда)**  
Каттаю кичик, кексаю ёш бирдай яхши кўради бу кўрсатуви. Агар ўша лойиҳада томошабинларга "энг яхши кўрсатувлар қайси?" деган мазмундаги савол қўйилганида, шубҳасизки, "Телевизион миниатюралар театри" энг юқори ўринларда тилга олинарди. Шу каби "Табасум" радио-журнали ҳам радиодаги энг яхши эшиттиришлар қаторида са-

на кўринишида кичик образнинг ҳам ташки, ҳам ички маънавий қиёфаси томошабин кўз олдига тўла намоён бўлади. Шу боис у яратган комик қахрамонлар томошабин ёдида узоқ сақланиб қолади.  
Кулиш осон, кулдириш қийин, дейдилар. Томошабинлар хузурида ўз санъатини намоёни қилиш - уларни кулдириш учун саҳнага чиққан санъаткорнинг қанча-

миллионлаб томошабинлар меҳридан англаш қийин эмас.  
Одатда, бевосита томошабинлар хузурига чиққан санъаткорнинг қай даражада таланти эгаллиги юқорида таъкидланган маънавий мезон билан дарров ўлчовини топади. Соддароқ айтганда, истеъдоди (ёки истеъдодсизлиги) ҳамманинг кўз олдига намоён бўлади. Хозирда ойнаи жаҳонда намоёни қилинаётган турли ҳажвий кўрсат-

корлар Эргаш Каримов, Роза Каримова, Хусан Шарипов, раҳматли Хасан Йўлдошев, Воҳид Қодиров каби юксак истеъдод соҳибларининг узоқ йиллар давомида ойнаи жаҳон ва радиодаги кишиларини, хусусан, "Телевизион миниатюралар театри"ни миллионлаб мухлислар ҳар гал интиқлик билан кўтишарди. Чунки улар катнашган саҳна асарлари муккамил санъат даражасига кўтарилган. Ҳар бир эпизод табиий, томошабин бирор аҳамиятсиз детал ёки актёрнинг бирор ортқача сўз ва ҳаракатини учратмайди. Ундан томошабин фақат чексиз завқ олади. Устоз санъаткорларнинг ўзига хослиги, улуг истеъдоди ҳам шунда.



наларди, албатта. Бу эътироф эса Эргаш Каримов каби улкан истеъдод эгалларининг тинч истеъдод эгалларининг ички истеъдод ижодий меҳнати, санъаткорнинг халқ дилига яқинлигидан пайдо бўлади. У яратган юзлаб муккамил комик образлар ортда эл суйган улуг ва камтарин инсон - Эргаш Каримов сиймосини ёрқин тасаввур қиласиз, санъаткорнинг илҳом тўла қалбини юрак-юракдан ҳис этасиз. Унинг юксак истеъдоди шундаки, санъаткор дилхалаларидан эфирга узатиладиган саҳ-

лар маҳоратга эгаллиги аслида шу пайтнинг ўзидек КУЛГИ билан баҳоланади, одамлар юзига қалқан самимият билан сўзсиз таърифланади, десак балки тўғри бўлади.  
Севимли санъаткоримиз Эргаш Каримовнинг саҳнадаги ҳар бир чиқиши, албатта, ана шундай эътирофларга сазовор бўлади, ҳар бир образ, гарчи бир неча сонияларда кўринса ҳам бекуму кўст яратилди. Бунга ўтган асрнинг 60-йилларидан буён Эргаш аканинг мухлисига айланган

тувлар кўп (ҳатто айрим рекламалар ҳам маълум даражада шундай характер касб этади). Бундай кўрсатувларда баъзан актёрларнинг зурак қилқилари, кулги уйғотмай-диган гаплари томошабиннинг гашини келтиради. Албатта, ойнаи жаҳон қаршида ўтирган томошабиннинг бу кайфияти, мунсабатини ижрочилар кўрмайди (эҳтимол, кулдирилмиш деб ўйлашади).  
Шу ўринда ҳамма бир нарсага амин эканини таъкидлагимиз келади. Устоз санъат-

корлар Эргаш Каримов, Роза Каримова, Хусан Шарипов, раҳматли Хасан Йўлдошев, Воҳид Қодиров каби юксак истеъдод соҳибларининг узоқ йиллар давомида ойнаи жаҳон ва радиодаги кишиларини, хусусан, "Телевизион миниатюралар театри"ни миллионлаб мухлислар ҳар гал интиқлик билан кўтишарди. Чунки улар катнашган саҳна асарлари муккамил санъат даражасига кўтарилган. Ҳар бир эпизод табиий, томошабин бирор аҳамиятсиз детал ёки актёрнинг бирор ортқача сўз ва ҳаракатини учратмайди. Ундан томошабин фақат чексиз завқ олади. Устоз санъаткорларнинг ўзига хослиги, улуг истеъдоди ҳам шунда.

Эргаш аканинг умр йўлдоши, таникли санъаткор Роза Каримова билан биргаликда ижро этган юзлаб миниатюра асарларини қатра хандаларгача халқимиз севиб томоша қилган, ҳамон уларни такрор кўришдан зерикмайди.  
Ўзбек кино санъатининг олтин хазинасидан жой олган "Учрашув" кинокомедияси дунё экранларидаги машҳур кинокомедиялардан қолишмайди, десак муболагаси йўқ. Ушбу фильмда Эргаш Каримов яратган бир-биридан қизиқарли, халқона образлар ҳар қандай мухлис эътиборини тортади. Чиндан ҳам унинг ҳар бир роли профессионал, содда ва табиий чиққанлигини кузатасиз. Айниқса, ҳажвий йўналишдаги ролларда актёрнинг табиий бўла билиши жуда мураккаб ва энг муҳимдир балки.

"Шум бола" бадий фильмидаги мулла образи қатнашган эпизодни эсланг. Шу лаҳзанинг охириги кўринишида Қоровал билан халиғина хайрашган мулла яна шу заҳоти унинг орқасидан "тўхта" деб чопиб келади. Томошабин жуда муҳим нарса айтиладигандай воқеани кузатади. "Ўқи, албатта ўқи," дейди мулла болага кўзларида катта изтироб билан. Шу изтиробли ҳолатда акс этган чирқоқ моҳитнинг ўзи бир куйга таъкидланади. Эргаш Каримов



мов талқинидаги бу образни кўриб талантинг чек-чегараси йўқ экан-да, дейсиз.  
У яратган комик образлар эса нафақат бадий маромига етган, балки ҳаётда учраб турадиган камчилик ва иллатларни энгил кулги орқали кўрсатиб, улардан фориғ бўлишга ҳам ундаган. Демак, бундай ҳаётий ва бетакрор саҳна асарлари кишиларга яхши кайфият бериш билан бирга ҳаётни яхшилашга, одамларга ёрдам беришга хизмат қилади.

Ўзбек театр саҳнасида миниатюра мактабининг яратилишида унинг илк заҳматқаш ижодкорларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг улкан хиссаси бор. Эргаш ака халқ дилига шунчалик яқин санъаткорки, у ҳақда даяри ҳар бир ўзбек салимиий дил сўзларини айта олади, сал бўлса-да ёзишга қалами келадиган киши унинг ижодий йўли хусусида озми-кўпми мулоҳазаларини ёза билади, деб ўйлайман.

Кулги умрини узайтиради, дейдилар. Бу шунчаки яхши кайфият тиллаш учунгина айтилан сўз эмас, чунки тиббиёт олимлари бу гапда жон борлигини таъкидлайдилар.  
Бугунги кунда табарқор 70 ёшини қаршилаётган устоз санъаткоримиз Эргаш ака Каримов умр йўлдоши, ҳамкасб, ҳаммаслаги, таникли санъаткор Роза опа билан шогирдлар эҳтиромю, фарзандлар ва шириндан-ширин неваралар ардоғида. Шундай қувончли кунларда умр йилларини умрларни узайтиришга бағишлаб келаятган устоз хали кўп йиллар шоду хуррамликда кўпларнинг умрини узайтириб юрсин, деймиз.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**  
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

# SPORT OLAMIDA

## Солиевнинг рекорди

**Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг "Пахтакор" ва "Қизилқум" жамоалари ўртасидаги қолдирилган 15-тур учрашуви бўлиб ўтди.**

"Пахтакор" ўйингоҳида кечган мазкур ўйиннинг биринчи бўлимини томонлар дуранг билан якунлашди.  
Учрашунинг иккинчи бўлимида эса майдон эгаларидан дастлаб, Ринат Бахромов кейин эса Анвар Солиевлар гол муаллифи бўлишди. Анвар Солиевнинг ушбу голи клуб тарихида 1992 йил Валерий Кешинов томонидан ўрнатилган рекордини йўққа чиқарди. Уша йили Валерий Кешиновнинг бу мавсумда 24 та гол киритиб, клубнинг бу мавсумга қадар энг кўп тўп муаллифи бўлган футболчи бўлиб келаятганди.

Анвар Солиев эса ушбу мавсумда 25 бор "Пахтакор" рақиблари дарвозасини аниқ нишонга ола билди. Мавсум якунланганини ҳисобга олсак, Солиев бу кўрсаткичнинг янада ошириш имкони бор. Учрашув эса 2:0 ҳисобида якунланди ва "Пахтакор" 56 очко тўплаб, энг яқин таъқибчиси "Насаф"ни олти очко ортда қолдирмоқда.



Ҳисобида якунланди ва "Пахтакор" 56 очко тўплаб, энг яқин таъқибчиси "Насаф"ни олти очко ортда қолдирмоқда.

## Валуев Руизга қарши

**Профессионал боксинг WBA йўналиши суперогир вазнда жаҳон чемпиони Жон Руиз ўзининг умринини 17 декабр кунини Германияда Николай Валуевдан ҳимоя қилишга розилик берди, дег ҳаба берди ESPN телеканали.**

Чемпион шартномага имзо чекди ва энди у жангга тайёргарлик кўришни бошлади. Жон Руиз менежери Норман Стоуннинг таъкидлашича, Валуевнинг гигант гавдаси унинг миҳозига жанг давомида ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Жанг учун Жон Руиз 1,7 миллион АКШ долларини миҳозидан хизмат ҳақи олади. Агар жанг АКШда ўтказилганида у бундан ҳам кўпроқ пул ишлаб олиши мумкин эди. Чунки Америкада боксчилар сотилган чипталар ҳисобидан ҳам маълум фойда ўз улушига эғалик қилади. Лекин шундай бўлса-да, амалдаги чемпион ўз умринини ҳимоя қила олишига ишонмоқда. Норман Стоун эса АКШга албатта, биз чемпионлик камарини ўзимиз билан олиб қайтаемиз, деб умид қилмоқда.



Чемпион шартномага имзо чекди ва энди у жангга тайёргарлик кўришни бошлади. Жон Руиз менежери Норман Стоуннинг таъкидлашича, Валуевнинг гигант гавдаси унинг миҳозига жанг давомида ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Жанг учун Жон Руиз 1,7 миллион АКШ долларини миҳозидан хизмат ҳақи олади. Агар жанг АКШда ўтказилганида у бундан ҳам кўпроқ пул ишлаб олиши мумкин эди. Чунки Америкада боксчилар сотилган чипталар ҳисобидан ҳам маълум фойда ўз улушига эғалик қилади. Лекин шундай бўлса-да, амалдаги чемпион ўз умринини ҳимоя қила олишига ишонмоқда. Норман Стоун эса АКШга албатта, биз чемпионлик камарини ўзимиз билан олиб қайтаемиз, деб умид қилмоқда.


## "Челси" яна Анрига қизиқмоқда

**Англиянинг "Челси" клуби кейинги мавсумда жамоага сотиб олинадиган футболчинини маълум қилди.**

Роман Абрамович клуби айнаи дамда "Арсенал" ва Франция терма жамоаси ҳужумчиси Тьерри Анрини сотиб олишга асосий эътиборни қаратганлигини очик-ойдин айтиб ўтди. Шунингдек, "Челси" раҳбарлари россиялик миллиардернинг пуллари Анрини сотиб олиш йўлида "Реал" ва "Барселона" жамоаларини ортда қолдиришга бемалол етишига ҳам ишонмоқда.

Футболчининг ўзи эса ҳозир "Арсенал" билан шартномасини мuddатини чўзишга шойилмаптапти, "Канонирлар" томонидан таклиф қилинаётган янги битимларни эса Анри кейинги йил ёзда қўриб чиқишни айтиб ўтган. Уша вақтга келиб Анри ва "Арсенал" ўртасида тузилган келишув ўз низоҳисига етган бўлади. "Арсенал" мураббийи Арсен Венгер ҳам бу мавсум Анри учун бизнинг жамоада сўнгиси бўлиши мумкин, дея айтиб ўтган.

Эслайтиб ўтамиз, Роман Абрамович бундан олдин ҳам Анрини сотиб олишга икки бор уриниб кўрганди. Самарасиз якунланган мулоқотларнинг охиригида "кўлар" бу ҳужумчи учун 50 миллион фунт-стерлинг таклиф қилган. Лекин "Арсенал" Анрини сотишни хоҳламаганди.



## "Шарқ гўзали - 2005"

**3-7 ноябр кунлари бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичи "Шарқ гўзали - 2005" яна Тошкентда бўлиб ўтади.**

Бу мусобақа ўтган йил ҳам мамлакатимиз пойтахтида ташкиллаштирилиб, мухлислар бадий гимнастика усталари маҳоратидан баҳраманд бўлишганди. "Шарқ гўзали - 2005"да дунёнинг ундан ортиқ мамлакатларидан терма жамоалар иштирок этиши кутилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақага тайёргарликни Москвада ўтказди. "Шарқ гўзали - 2005"да Ватанимиз шарафини Олеса Ашаева ва Зарина Муҳаммадова-лар ҳимоя қилишади.

Мусобақа Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси ва Бадий гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ўтказилади.  
**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

ОАО "Agrota'minot-BS" сообшоеат о проведении Внеочередного Общего собрания акционероов, которое состоится 8 ноябрия 2005 гола в 11.00 часоов по адресу: 700073 г. Ташкент, ул. Джаркурганская, 43.

**Повестка дня:**  
1. Утверждение Председателя Правления и заключение с ним договора найма на 1 год.  
Регистрация участников будет проводиться 8 ноябрия 2005 гола с 10.00 до 11.00 часоов в конференц-зале АБК.

При себе иметь паспорт и нотариально заверенную доверенность на право участия во Внеочередном Общем собрании акционероов.

Наблюдательный Совет

## Сообщение о существенном факте

ООО "Agrota'minot-B.S."

Порядковый номер сообщения - 07  
"Наступление даты закрытия реестра акционероов"  
Решением Наблюдательного Совета от 24.10.2005 гола дата закрытия реестра акционероов ОАО "Agrota'minot-B.S." и дата составления списка акционероов, имеющих право на участие во Внеочередном Общем собрании акционероов, определены на 25 октябрия 2005 гола

Наблюдательный Совет

**"ТЕХСЕЛСНАБ" МЧЖ**  
Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (галла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади  
Пул ўтказиш йўли билан галла ва пахтанинг 232 10, 23220  
траншларини ҳам қабул қилади.  
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй  
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "CHARM-SAVDO UYI" масъулияти чекланган жамияти (ОКПО: 18658094) тугатилмоқда. Даволат эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 167-97-41.

Утерьянный бланк сертификата качества Ф-1 зерно №000763, выданный Угослебниспецией зав. Кашкадарьинской региональной лабораторией Умарову М, считать недействительным.

# "Аскар маҳалла меҳмони"

**Айни пайтда жойларда мамлакатимиз Президентининг "Муддатли ҳарбий хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорини юқори савияда ташкиллаштириш, Қуролли Кучларимизни ватанпарвар, фидойий ёшлар билан тўлдириб ҳамда хизматини тугатган йигитларни тантанали кутиб олиш тadbирлари ўтказилмоқда.**

Бу эса сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизга ҳукумати-мизнинг ва халқимизнинг эътибори қай даражада катта эканлигидан далолатдир.  
Кўни кеча ана шундай тadbирлардан бири Ўзбекистон Оқсokollar кенгаши ва республика "Маҳалла" жамғармаси томонидан пойтахтимизнинг Яқасарой туманидаги "Туркистон" маҳалласида ташкил этилди.

Тadbир Қуролли Кучларимизнинг жануби-ғарбий, шарқий ҳарбий округларида, чегара ва қоровул қўшинларида ўз хизмат бурчини шараф билан ўтаган ҳарбий хизматчиларни кутиб олишга бағишланди.  
-Ўғилларим Хасан ва Хусанларни бир йил олдин хизматга кузатиб қўйган эдик, - дейди Насиба опа Ёқубова. - Худога шукр, мана бугун худди ўшандагидек хурсандчилик кайфиятида кутиб оляпмиз. Фарзандларим Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб келганлиги биз учун бахт. Ахир ҳозир муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилиш катта шараф саналади-да!

Шунингдек, "Аскар маҳалла меҳмони" деб номланган ушбу тadbирда ҳокимият вакиллари, маҳалла оқсokollar, уруш ва меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Қоровул қўшинлари қўмондонлиги вакиллари иштирок этдилар.  
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

## Реклама агентликлари ва реклама фаолиятини юритувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти "Давинком" инвестиция фирмаси давлат активларини фонд ва кўчмас мулк биржаларида сотилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ва сифатли реклама қилинишини таъминлаш мақсадида реклама агентликлари орасида фирманинг фаолияти рекламасини юқори даражада ташкил этиш учун реклама агентликлари орасида

## Танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган реклама агентликлари фирманинг асосий фаолияти яъни давлат активларини биржа савдоларида сотилишини оммавий ахборот воситаларида кенг реклама қилиш бўйича ўз таклифларини шу йилнинг 22 ноябрийгача тақдим этишлари керак.

**Бизнинг манзил:**  
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.  
"Давинком" ДИФ.  
Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 136-06-31, шунингдек фирманинг www.davincom.uz сайти ҳамда davincom@davincom.uz электрон почтаси.

## Тadbиркорлар, инвесторлар ва инвестицион воситачилар диққатига!

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари (акция пакетлари ва улушлари) ва объектларини биржа савдоларида сотиш бўйича Давлат мулк қўмитасининг ишончли вакили - "Давинком" Давлат инвестиция фирмаси 2005 йилнинг 24 октябрийда Республика кўчмас мулк биржаси савдосида турган "Рўзмет Гайлов" МЧЖ 2 тоифадан 1 тоифага ва "Хонка пилла" МЧЖ 3 тоифага ўтказилиб бошлангич нархи босқичма-босқич пасайтирилишини давом эттирилишини маълум қилади

"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан 2005 йил 10 ноябрда Республика кўчмас мулк биржаси савдосига давлат улушлари чиқарилаётган маъсулияти чекланган жамиятлари ва объектлар рўйхати

№	Объект номи	Тармоқ	Ҳудуд	Савдога қўйилаётган улуш (%)	Улушнинг бошланғич таклиф нархи
1	Қаттақўрғон шаҳридаги "Пулик зооветеренария хизмат кўрсатиш пункти"	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Самарқанд вилояти	100	110,0 минг сўм
2	"Динамо тўзминоти" корхонаси ҳисобидати Самарқанд ш. Спитамен кўч.159-уйда жойлашган ётоқхона бино	Ҳокимият	Самарқанд вилояти	100	23000,0 минг сўм
3	Иштихон тумани, Митан шаҳарчаси, А.Темур кўчасида жойлашган бино	Ҳокимият	Самарқанд вилояти	100	300,0 минг сўм.
4	Тошкент ш. С.Раҳимов тум. Ходжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, 4 қаватли бинонинг умумий майдони 6563,94 кв.метрга тенг бўлган қисми (ер тўласи билан)	Ҳокимият	Тошкент шаҳри	100	122968,7 минг сўм.
5	"Чироқчи туман "Қўлаамзорлаштириш" корхонаси	Худудий қўмузхизмат	Қашқадарё вилояти	100	1014,1 минг сўм.
6	"Суфийишмоқ пахта тозалаш" АЖнинг "Минийи хизмат кўрсатиш биноси" (ер майдонидан ташқари)	Узпахтасаноат	Андижон вилояти	100	2192,14 минг сўм.

\*- Мазкур объект бўйича харидор корхона фаолияти турини ўзгартирмаслиги керак  
Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 136-06-31, шунингдек фирманинг www.davincom.uz сайти ҳамда davincom@davincom.uz электрон почтаси ёки куйидаги манзил бўйича: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй.

<b>Бош муҳаррир</b> <b>Ўткир РАҲМАТ</b>	<b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Саид АХМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОҶОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидати ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибхона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87	<b>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</b> Коракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун бюортмачи жавобгар h - тижорат мақола	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Ш. САНАЕВ Саҳифачилар: Р. ЕДГОРОВ, А. САФОНОВ Мусаҳхач: М. БЕКИЕВ
--	---	--	---	--	---	---	---